МЕҲНАТ ШАХС ЭСТЕТИК КАМОЛОТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

И.М.Арзиматова

Мақолада меҳнатнинг шахс камолотидаги ўрни, унинг эстетик жиҳатлари ва инсон маънавиятини юксалтиришдаги хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: *эстетик камолот, меҳнат, шахс ва жамият, маънавият, эҳтиёж, фаолият, объект.*

В статье освещена роль труда в совершенствовании личности, его эстетические аспекты и особенности в духовном развитии человека.

Ключевые слова: *эстетическое совершенство, труд, личность, общество, духовность, потребность, деятельность, объект.*

The article discusses the role of labour, its aesthetic aspects and the peculiarities of development of person's' spirituality.

Key words: *aesthetic perfect, labour, person and society, spirituality, necessity, activity, object.*

Шахс камолоти омилларини аниқлаш, уларнинг алоқадорлик табиатини идрок этиш асосида бу жараён моҳиятини тўғри тушуниш мумкин. Шу нуқтаи назардан, шахс эстетик камолотини таъминловчи омиллар унга таъсир кўрсатиш механизмлари ва характерига кўра ранг-барангдир.

Бу жараёнда меҳнат алоҳида ўрин тутади. Меҳнат шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштирадиган ижодий қобилиятлар ифодасидир. Меҳнат фаолиятига хос эстетик жиҳатларнинг умумий манбаи эркинлик меъёри томонидан белгиланади, шу боис фаолиятнинг жисмоний ҳамда ин-

теллектуал қобилиятлари ўзига хос равишда намоён бўлади. Фаолиятни фақат онгли хатти-ҳаракат билан моддийлаштириб ва эгаллаб, инсон муайян маҳоратга эришиши мумкин. Меҳнатнинг ҳар қандай турига хос бундай маҳорат фаолиятдаги ўзига хослик, миқдор ва сифат меъёрлари билан ажралиб туради. Маҳорат инсонга техник мураккабликлар билан боғлиқ меҳнат предмети, материаллар "қаршилиги"ни енгишда ўз қобилиятларини ижодий ифодалашга кўмак беради. Мазкур имкониятлар меҳнатнинг конкрет турини ҳиссий идрок этиш билан юзага чиқар экан, бу меҳнат, табиийки, эстетик хусусият касб этади. Бошқача айтганда, нисбатан ўз-ўзини тўлақонли ифодалайдиган меҳнат фаолияти "жисмоний ва интеллектуал кучларнинг муайян даражада жунбушга келиши"ни англатади.

Меҳнат фаолияти туфайли инсон ўзининг ижодий куч ва қобилиятларини гавдалантиради ва ривожлантиради, бунда инсон, биринчидан, муайян объектив шарт-шароитлар таъсири, иккинчидан, субъектив-шахсий фазилатлар уйғунлигида фаолият кўрсатади. Булар орасида меҳнат кечадиган шарт-шароит, унинг ташкилланиш ҳолати, ижтимоий мавқеи ва инсоний қадрланиш даражаси муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнда объектив шарт-шароитлар билан бир қаторда субъектив омил бўлмиш инсон меҳнатининг ижтимоий аҳамияти, унинг шахсий масъуллиги, ижодкорлик фазилатлари юзага чиқади.

Инсон фақат меҳнати билан тарихни яратган, табиатни мақсадга мувофиқ ўзгартирган, гўзалликни тушунган ва янгидан-янги қадриятларни вужудга келтирган. Табиийки, инсон умр кечирмоғи ва ривож топмоғи учун, авваламбор, моддий эҳтиёжларни қондирувчи неъматларга эга бўлиши, уларни етиштириши лозим бўлган. Шу маънода бир нафас ўз эҳтиёжларини қондиришдан тўхтамаган, моддий неъматларни яратишдан толмаган, бу жараён чексиз давом этган. Шундай бўлса-да, "эҳтиёжларни қондиришга мутлақ эришиб бўлмайди, ҳолбуки, улар тинимсиз ва тўхтовсиз равишда янгиланиб туради: озиқ-овқат, тўйиниш, туш кўриш каби эҳтиёжларни қондиришнинг чеки йўқ, эртага яна бошдан очлик ва чарчоқ пайдо бўлаверади" [1.106].

Табиийки, инсоннинг меҳнат жараёни ўта рангбарангдир. Шу боис унинг эстетик моҳиятини бир хилда белгилаб бўлмайди. Яхшиси, меҳнат жараёни билан боғлиқ бир қатор шарт-шароитларнинг йиғиндиси ҳақида сўз юритиш маъқулроқдир. Бу биринчи галда меҳнат жараёнига хос сифатий фазилатлар, фаолиятнинг кечиш ҳолатлари, меҳнатнинг ижтимоий маъно-моҳияти, меҳнат жараёнини ташкиллашдан иборатдир. Меҳнат жараёнидаги эстетик жиҳатлар қуйидагича ифодаланади:

- маҳорат ижодий хатти-ҳаракатнинг ўзига хос турини ташкил қилади;

- фаолиятнинг эстетик шакли жисмоний ва интеллектуал кучларнинг эркин ривожланишидан иборат бўлади;

- моддий манфаатли жараённинг эстетик жиҳати сифатида ижодий кўтаринкилик, ўзгартиришлар амалга оширилади;

- ишлаб чиқариш структурасининг эстетик кўриниши тартибга солинганлик тарзида кўзга ташланади.

Меҳнатнинг инсон маънавиятини юксалтиришдаги хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Меҳнат жараёни инсоннинг интилиши, хатти-ҳаракати, муайян амалларни адо этиши оқибатида юз беради. Ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор инсон амалларни мукаммал бажаришга интилади. Пировард натижалар нафақат ишлаб чиқариш воситалари, шу билан бирга, инсоннинг муайян ҳаракатлари, яъни ишлаб чиқаришдаги фаолияти хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Айни шунда эпчиллик, оддий лаёқатга тенглаштириб бўлмайдиган маҳорат гавдаланади, бинобарин, меҳнат ижодий жараёнлар жамулжамидир.

Малакага айланган меҳнат ишни амалга оширишнинг шарти ҳисобланади. Бинобарин, меҳнат жараёни мунтазам ўзгаришлар билан ва жонли тарзда кечади, мукаммаллашиб ва шу баробари янги малакаларни чиниқтириб боради. Бугина эмас, маҳоратни юзага чиқариш муайян даражада меҳнат жараёнида юз беради ва инсондан ташаббускорлик, ижодий интуиция, жасорат талаб қилади. Шунинг учун маҳорат тушунчаси материалнинг хоссаларини қайта ишлашга оид мукаммал билимлар, меҳнат қуролларидан фойдаланиш маҳорати, ирода ва вазиятни тўғри тушуниш ва барқарор ташаббускорликни ҳам ўз ичига олади. Табиийки, инсон бу ҳолат ва эришилган натижалардан мамнун бўлмаслиги, шодланмаслиги, ижодий туйғуларга берилмаслиги мумкин эмас. Бу айни амалларни меҳнат таъсирида эгаллаш ва уларни юксак даражада бажариш оқибатида юзага келадиган эстетик туйғудир.

Меҳнат жараёнидаги мукаммаллик меъёрини ифода этиши билан маҳорат эстетик завқ манбаига айланади. Шуни унутмаслик керакки, меҳнатнинг эстетик маъноси фаолиятнинг кечиши хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Инсон ижодий ва юксак мақсадларни кўзда тутиб жисмоний ва маънавий қобилиятларини эркин ишга солганда меҳнатидан қониқиш ҳосил қилади, завқланади, эстетик роҳатланади. Фаолият мазмуни ва шарт-шароитга боғлиқлигидан қатъи назар, меҳнат эркин бўлганда, натижаларидан инсон бевосита манфаатдор ва баҳраманд бўлганда, ижодий қобилиятларини юксак маънавий мақсадлар-

га йўналтирганда, эстетик хусусият касб этади. Ғафур Ғулом “Гўзаллик нимада?” шеърида ёзганидек, “гўзаллик - ишлайиш, манглайни терлатиш, гўзалдир унган иш, мақтанса ярашар!” [2.22]

Жонли меҳнат жараёни мураккаброқ тузилма – ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўзаро бир-бирлари ҳамда ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан муайян ижтимоий муносабатда бўлади. Табиийки, маҳсулот тайёрлашда муайян меҳнат қуроллари (машина, дастгоҳ, аслаҳа ва бошқалар), шунингдек, уларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш ва ўзаро таъсирини таъминлашдек мураккаб вазифани адо этишга тўғри келади. Буларнинг барчаси муайян суръатда кечадиган, ўз функцияси, ташкилий кўринишига эга бўлган ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилади. Бу тузилма яхши йўлга қўйилгани ва мукаммаллиги билан эстетик ифодавийлик касб этади. Юксак даражада ташкилланган жараён, унинг муайян суръатда гавдаланиш ва кечиш манзараси кишиларга эстетик таъсир этади, фаолиятга ижодий муносабат уйғотувчи эмоционал кўтаринкиликни вужудга келтиради.

Шундай қилиб, эстетик идрок объекти бўлган меҳнат жараёнида ўзига хос фаол функционал ва динамик жиҳатлар амал қилади. Бироқ меҳнатда туғиладиган эстетик таъсирлар қайта ишланадиган бирламчи материал, ишлаб чиқариш қуроллари, интерьерлар ва предметли-маконий муҳитни бутунлай қамраб олади.

Эстетик фаолият тарихи кўрсатадики, деярли барча халқларда дарахт, лой, гипс, шиша каби қайта ишланиши зарур материалларнинг эстетик хосса ва хусусиятлари меҳнат жараёнида билиб олинган ва санъат асарлари яратишда ижодий фойдаланилган. Масалан, ўзбек поэзияси, айниқса, мумтоз адабиётимизда ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ эпитет ва метафоралар кенг қўлланган маълум. Буларга қуёш, ой, сарв, оҳу ва бошқалар образини киритиш мумкин. Тош ва ёғочни қайта ишлаш Марказий Осиё халқлари эстетикасида санъаткор меҳнати ва маҳоратини ифодаловчи предмет вазифасини ўтаган. Бундан ташқари, тасвирий санъатда ижодкор эстетик қобилиятини намоён этиш ва эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида суяк, чий, тери, оҳак, лой каби табиий материаллар кенг қўлланган. Тадқиқотчилар ёзганидек, “Маҳсулотдан амалий фойдаланишда унга эстетик баҳо берилади” [3.8].

Меҳнат фаолияти кечадиган жараёнга тегишли алоҳида жиҳатлар халқ эстетик маданиятида турли роль ўйнаб келгани маълум. Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг тадқиқотлари кўрсатадики, меҳнат байрамига бағишланган маросимлар таркибида эстетик жиҳатлар ўзига хос ўрин тутади. Унинг ёзишича, “Байрамга хос хусусиятлар, энг аввало, унинг махсус таомлар тайёрланиши, янги либослар кийиш ҳамда ҳазил ва хурсандчилик билан ўтказилишида кўзга ташланади” [4.14-15]. Японларда нарсалар ва табиий олам объектларига эстетик муносабат ўзига хос анъана тусини олган. Дейлик, сакура (гилос)нинг қийғос гуллаши ҳамма вақт гўзаллик байрами сифатида кутиб олинган, миллий эстетик анъана, эстетик байрам даражасига кўтарилган. Бундай хусусиятлар кўпгина халқлар томонидан сув манбаларини безаш анъанасида ҳам кўзга ташланади.

Меҳнатнинг эстетик моҳияти у кечадиган ижтимоий шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Яқин ўтмишда коммунистик мафкура, ижтимоий мулкчилик асосларига бўйсундирилган меҳнат шахсда ижодий эркинлик, қобилият, шахсий манфаатдорликни сўндирар, уни маънан камбағаллаштиришга олиб келар, энг муҳими, ўз меҳнати натижаларидан “бегоналаштирар”, боқимандалик кайфиятлари шаклланишига олиб келар эди. Мустақиллик меҳнатнинг шахсдан бегоналашувига чек қўйди ва унинг маънавий-ижодий кучлари тўла ва ҳар томонлама намоён бўлишига реал шарт-шароитлар яратди. Бундай имкониятлар, айниқса, республикамизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий эркинлик шароитида шахснинг яратувчанлик қобилиятлари ривожланишига, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий кафолатланиши, мулкчилик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши меҳнат жараёнида инсоннинг ҳақиқий моҳияти намоён бўлишига йўл очди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида рақобат амал қилиши моддий неъмат ишлаб чиқарувчилардан ҳар томонлама кенг ижодий фаолият кўрсатиш, сифатли маҳсулотлар яратиш, истеъмолчиларнинг бадиий-эстетик диди ва эҳтиёжларига мос товарлар етиштиришни зарурий эҳтиёжга айлантирди. Айни пайтда шахс эркинликлари (сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, мулкдор бўлиш ва ҳ.к.)нинг таъминланиши жамият тараққиётининг зарур шарти сифатида кишиларда ўз меҳнатига юксак сиёсий онг, маънавий масъуллик, айни танқидий ва ижодий ёндашиш заруратини келтириб чиқарди. Меҳнат жараёнлари ва маҳсулотлар тайёрлашга эстетик меъёр ҳамда талабларни оширди, бу нарса замонавий технологиялар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришда қўллашга катта эътибор қаратди, хусусан, дизайнерлик фаолияти, ишлаб чиқариш ва саноат эстетикаси энг жозибали ҳамда сердаромад соҳага айланди [5].

Шундай қилиб, меҳнат инсонга кучли ва кўп қиррали таъсир кўрсатиб, унинг фаолиятига эстетик маъно-мазмун бахш этади, маънавий камол топишига кўмаклашади.

Адабиётлар:

1. Гегель. Эстетика. В 4-х т. Т.1. –М.: Искусство, 1968.- 368 с.
2. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 10 т. Т.1.- Т.:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. - 244 б.
3. Фахретдинова Д.А.Ювелирное искусство Узбекистана.-Т., 1988. - 203 с.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори.-Т.: Фан, 1986. – 216 б.
5. Абдуллаев М. Национальная специфика эстетической культуры //Общественные науки в Узбекистане.- 1991.- № 11.- С.58-59.

Фарғона давлат университети,
2016 йил 16 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Қамбаров)